

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2008 йил, 24 июль, ПАЙШАНБА

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 142 (11.203)

Баҳоси эркин нархда

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари, тўғараклар аъзолари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Тил—озодлик ва мустақиллик тимсоли» деб номланди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйи қошидаги сартарошлик ўқув курси ташаббуси билан «Очқидарс» тадбири ўтказилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** селекционер олимлар иштирокида уюштирилган тадбирда ғўзанинг янги навлари яратилганлиги, жорий йилда ушбу навлар пойтахт вилоятида синаб кўрилиши ҳақида сўз борди.

● **СОБИР** Раҳимов туман солиқ инспекциясида солиқ тизими мутахассислари иштирокида тадбиркорликни ривожлантиришда қонун устуворлигини таъминлаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **МИРОБОД** туманидаги Фирдавсий номли маҳалла гузаридеда Ёшлар йили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб Фирдавсий ва Шайх Шивлий номли маҳаллалар болалари ўртасида шахмат-шашка бўйича ўтказилган спорт мусобақалари Республика Маънавий тарғибот марказининг Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман бўлимлари, туман «Оила» маркази, «Соғлом авлод учун» жағмарасининг туман таянч маскани, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети қошидаги Олий журналистика курси битирувчиларига дипломлар топширилди.


● **ИСПАНИЯНИНГ** Мадрид шаҳрида математика фани бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро олимпиадада совриндор бўлган юртдошларимиз Тошкентга қайтиб келишди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 313-мактаб янги ўқув йилида янги бинода фаолият бошлайди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг
Аxbорот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан).

17 йил мустақиллик

Истиқлол — бизнинг
борлигимиз, шону шуҳратимиз,
эркин ва фаровон
келажакимиз гаровидир



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА МАМЛАКАТИМИЗДА, ХУСУСАН ПОЙТАХТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЯНГИЛАНИШЛАР, ЎЗГАРИШЛАР, КЕНГ КЎЛАМДАГИ БУНЁДКОРЛИК, ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БУГҮН КЎЗ ЎНГИМИЗДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА. ТАРИХИМИЗ ЗАРВАРАҚЛАРИДАН ЎРИН ОЛАЁТГАН, АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК БҮЮК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ БАРИ МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИДАНДИР.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ САРИ

Айни кунларда Энг улуг ва энг азиз байрамимиз— Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида пойтахтимиздаги барча туманлар ушбу кутлуғ санани муносиб ютуқлар билан кутиб олиш ниятида кизгин ҳозирлик кўрмоқдалар. Ҳамма жойда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, бунёдкорлик ишлари авжида. Айниқса пойтахтимизнинг энг файзли ва обод туманларидан саналган Мирзо Улуғбек туманида ҳам байрам олди тайёргарликлари кенг тус олган.

Жорий йилнинг ярим йиллиги мобайнида туманда иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ижобий сифат сизгишларига эришилди. Жумладан, саноатда 126,0 фоиз, чакана товар айланмасида 120,0 фоиз, пулли хизматлар кўрсатишда 110,2, шундан маънавий хизмат кўрсаткичлари 103,9 фоизга тенг бўлди. Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминлини етакчи тармоқ — саноатнинг ўрни ҳар доимгидек салмоқли бўлишида «Тошкент трактор заводи» АЖ, «БФ Текстиль» чет эл корхонаси, «Узакбел» ҳамда «Дойче кабел» кўшма корхоналари алоҳида ўрин тутди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатларига асосан, ҳўжалик субъектлари фаолияти фаолла-

шуви корхоналар молиявий ҳолати барқарорлигининг мустаҳкамлашиши, уларда айланма маблағларнинг кўпайиши ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, туманда иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминлинишида хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида аҳамият касб этиб, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ортиб, янги замонавий хизмат турлари кенг жорий этилди. 2008 йил иккинчи чорагида жами хизматлар ҳажми 616,8 миллиард сўмни ташкил этиб, январь-июнь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 138,9 миллиард сўмга ошган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш инвестицион кулай муҳитни яратиш борасида тегишли ҳудудий дастурлар шакллантирилган. Хусусан, 2008 йил давомида тўғридан-тўғри инвестицияларни киритиш режаси 10,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлиши кўтилмоқда. Шу кунга қадар 2 лойиҳа бўйича («Узакбел» ҳамда «ТТЗ-Технопластик») 251,2 миң АҚШ доллари миқдоридеда сармоа киритилган. Албатта, саноат соҳасининг ривожланиши янги ишчи ўринларининг яратилишига олиб келади. Хозирги кунда саноат соҳасида

олиб борилаётган модернизациялаш жараёнида январь-июнь ойларида саноат маҳсулотларининг ҳажми 100,4 фоизга ортиб, ўтган йилга нисбатан 40,2 миллиард сўмлик маҳсулот кўпроқ ишлаб чиқарилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан туманда иш билан банд бўлмаган ёшларни мониторинг асосида мунтазам ўрганиб борилиши натижасида олти ой давомида 305 нафар ёшлар касбга йўналтирилган холда ўргатилди ва қайта ўқитилди. Шу давр мобайнида 3680 та янги иш ўринлари яратилиб, шундан 2105 таси ёшлар учун мўлжалланган. Туманда жойлашган корхоналарда меҳнат шартномаси асосида 593 та ўрин ташкил этилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, туманда ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз Президенти Фармонида биноан «Қорасув-6» даҳаси ҳамда «Феруза» мавзесида ёш оилалар учун янги беш қаватдан иборат уй-жой бинолари бунёд этилаётганлиги ҳам ёш оилалар учун ниятда қувонарлидир.

Хулоса қилиб айтишдан бўлсак, ўз номига муносиб бўлган Мирзо Улуғбек туманида дарахжикат, барча соҳаларда ўсиш суръатлари юқори десак, муволаба бўлмайди. Юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида ободончилик ва бунёдкорлик ишларини жадал олиб бораётган туман аҳолиси айни кунларда энг улуг ва энг азиз байрамимиз Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар ила ёруғ юз билан кутиб олиш ниятдадилар.

(Мирзо Улуғбек туманига бағишланган саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз)

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 21 ИЮЛЬ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФ БУЮРГАН КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИ ШАЙХ САБОҲ АЛ-АҲМАД АЛ-ЖОБИР АС-САБОҲНИНГ САФАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 23 ИЮЛЬ КУНИ ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА ОЛИЙ МАРТАБАЛИ МЕҲМОННИ КУЗАТИБ ҚЎЙДИ.

Кувейт Давлати Амирининг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлди. Ушбу ташриф, авваламбор, икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалаларни, ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконият яратди.

Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ўзбекистон-Кувейт муносабатларига доир масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси ва Кувейт Давлатининг қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, ўнга яқин ҳужжат имзоланди. Узаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаган ушбу келишувлар икки мамлакат ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

(ЎЗА)

1985 йилда ташкил этилган ушбу ташкилот АҚШ Конгресси кўмагида фаолият юритиб, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги истеъдодли ёшларни саралаб олади ва уларнинг таълим олишига кўмаклашади. Кенгаш ҳар йили ёш йигит ва қизлар учун АҚШ ҳамда Европа мамлакатлари ҳудудида бир ойлик «етақчиликни ривожлантириш» дастурларини ташкил этади.

Брифинг давомида иштирокчилар Ўзбекистондаги мактаб таълимини ривожлантириш умумийлиги давлат дастури, олий таълим тизими, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳўкумат томонидан амалга оширилаётган чоратадбирлар ҳақидаги маълумотлар билан танишди. Талабаларга, шунинг-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҚШДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЮРТИМИЗДА ОШИРИЛАЁТГАН ХАЛҚ ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПИШИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА АҚШНИНГ ҚАТОР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, «ЁШ ЕТАҚЧИЛАР ПАРЛАМЕНТ КЕНГАШИ» (CONGRESSIONAL YOUTH LEADERSHIP COUNCIL) ДАСТУРИ ДОИРАСИДА БУ ЕРГА КЕЛГАН ЕВРОПА ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ВАШИНГТОНДА «ЁШЛАР ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ

дек, юртимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати хусусида батафсил сўзлаб берилди. Иштирокчилар ушбу мавзуларга бағишланган ҳужжатли фильмларни катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Ўзбек халқ амалий санъати усталари томонидан яратилган ажойиб миллий буюмлар ўрин олган эл-

чихонанинг этнография галереяси уларда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Ёшлар, шунингдек, ўзбекистонлик тасвирий санъат усталарининг асарлари коллекцияси билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тадбир якунида «Ёш етакчилар парламент кенгаши» дастури мувофиқлаштирувчиси Уитни Хикмэн гоёта фойдали ва

сермазмун учрашув учун талабалар номидан самимий миннатдорлик изҳор этди. Унинг фикрича, тадбир иштирокчиларга Ўзбекистоннинг кўна тарихи, бой илмий-маданий салоҳияти ҳамда мамлакатнинг бугунги ютуқлари, ўзбек халқининг ноёб маданияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини берди.

«Жаҳон» АА.
Вашингтон.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида фермер ҳўжаликларида ишловчиларни ижтимоий ҳўмоа қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди. Мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 100 га яқин фермер ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

● Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашнинг яхшилаш мақсадида 164 километр узунликдаги Яккабоғ-Муборак сув узатиш линияси ишга туширилди. Ҳозир бир кеча-кундузда диаметри 1020 миллиметр бўлган улкан қувурлардан Муборак шаҳрига 20 миң кубометр сув ҳайдалмоқда.

● Самарқандда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган «Санта-тим—фаҳрим» номли кўрик-танлов ўтказилди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда барча шаҳар ҳамда туманлардан келган ҳаваскор йигит-қизлар мусиқа, мумтоз ва эстрада кўшиқчилиги, рақс, суҳандонлик ва фольклор санъати йўналишларида беллашдилар.

● Юртимизда 150 дан ортик саноат корхоналари Сифатни бошқариш халқаро тизимини татбиқ этдилар. Фақат Бухоро вилоятининг ўзида ISO 9001:2000 сертификати 8 та корхона кўлга киритган.

● Гулистон Давлат университетининг 145 нафар талабаси Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган қурилиш ишларида ўз муносиб ҳиссаларини кўшишмоқда. Жумладан, «Кўмакчи» талабалар гуруҳи 20 миң ўринли шаҳар стадиони қурилишида фаол қатнашаётган бўлса, «Қурувчи» гуруҳи эса 100 ўринли болалар майдончаси қурилишига ўз улушини кўшмоқда.

● Самарқанд вилоятининг Ургут туманида «Chemping-plast» Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Замонавий хорижий асбоб-ускуналар ўрнатилган корхонада пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва ўндан ортик ўсмирлар ҳамда қизлар иш билан таъминланди. Мазкур корхона бир йилда 50 миң жуфт эркаклар, аёллар ва болалар пойабзалини ишлаб чиқариш қувватига эга.

● «Самарқандкимё» очик акциядорлик жамиятида нитрофос қимёвий ўғитининг бир қисми суёқ ҳолда ишлаб чиқарила бошланди. Корхонада июль ойида тайёрланган 4 миң тонна шу хил ўғит тўлалигича фермерлар томонидан харид қилинди. Келгуси йилда ишлаб чиқаришни ўн миң тоннага етказиш чоралари кўришмоқда.

ЖАҲОНДА

● Хиндистон парламенти депутатлари ҳўкуматга ишонч билдирди. Бош вазир Сингха ҳўкуматини ёқлаб 543 нафар депутатнинг 253 нафари овоз берди. Шу тариқа хиндлар сиёсий танглик ва навбатдан ташқари парламент сайлови ўтказиш заруратидан халос бўлишди.

● Бугун Австрия пойтахти Вена шаҳрида МАГАТЭ ҳамда ИРИ атом ташкилотининг раҳбарлари Эрон ядро дастурини муҳокама қилдилар.

● Сербия суди бир нечта ҳарбий жиноятларда айбланаётган Радован Караджични Халқаро Гага судига топшириш учун руҳсатнома берди. Белградда эса Караджич тарафдорлари томонидан кўп миң кишилик норозилик намойиши уюштирилди.

● Кеча Ингушетия Республикаси ҳўкумати раиси Х.Зетовнинг Назран шаҳридаги уйи граната отувчи мослама томонидан ўққа тутилди.

● Франциянинг жануби-шарқиде жойлашган атом электр станциясидан радиоактив чангнинг чиқиши оқибатида юзга яқин киши нурланди.

● Лондон шаҳрида ташкил этилган автомобиллар кўргазмасида «Honda» компаниясининг замонавий типдаги «Honda OSM» янги русуми намойиш этилди. Мутахассисларнинг фикрича, янги машина экологик жиҳатдан бoшқа русумдаги автоуловлардан бир қатор устунликларга эга. Унинг ҳавони ифлослан-тириш кўрсаткичи жуда паст. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчилар машинанинг иқтисодий жиҳатдан тежамкорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратишган.

● Жаҳон савдо биржаларида нефтининг нархи пасайиб, бир баррел «қора олтин»нинг нархи 125 доллар қийматга эга бўлди.

● Покистон хавфсизлик кучлари «Толибон» ҳаракати етакчиларидан бири — Мулла Раҳимни мамлакатнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Кветта шаҳрида қўлга олишга муваффақ бўлди. Маълумотларга кўра, «Толибон» ҳаракатининг Покистон ҳудудида амалга оширилган кўпоровчилик ишлари унинг кўрсатмалари асосида ташкил этилган.

● Кеча Япониянинг Хонсю оролининг шимол қисмида Рихтер шкаласи бўйича 6,4 балли кучли ер силқиниши рўй берди. Зилзила натижасида юздан ортик киши жабрланди, 10 миңга яқин аҳоли электр қувватсиз қолди. Зилзила қўшни Хоккайдо оролига ҳам таъсир кўрсатди.

● Кеча АҚШнинг Техас штати ва Мексикага «Долли» тропик бўрони хуружи оқибатида Техас штатида юз миңдан ортик аҳоли электр қувватсиз қолди, Мексика кўлтигидаги кондан эса компаниялар нефть ва газ казиб чиқаришни тўхтатдилар.

17 МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛ

Истиқлол — бизнинг
борлигимиз, шону шуҳратимиз,
эркин ва фаровон
келажагимиз гаровидир

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ САРИ

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР — УЛКАН БОЙЛИК

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ
ТАЪКИДЛАГАНДЕК, ҲАР ҚАНДАЙ ХАЛҚНИНГ
БУГУНГИ ҲАЁТИ ВА КЕЛАЖАГИНИ УНИНГ
МАЪНАВИЯТИ БЕЛГИЛАЙДИ. ШУ БОИСДАН
ҲАМ МОНИТОРИНГ ТАРТИБИДА ЎТҚАЗИЛГАН
“ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-
МАЪРИФИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ” МАВЗУИДАГИ
ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТ “ИЖТИМОЙ ФИКР”
ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ
МАРКАЗИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН АСОСИЙ
ИШЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Ун йилдан буюн мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу сўровлар мустақиллик йилларида мамлакатимиз фуқароларининг дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий онгининг ўсишини аниқлаш имконини бераётир.

Охириги сўров маълумотларига кўра, Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти (73,1 фоизи) шахсининг камол топишида умуминсоний қадриятлар шаклланиши жараёнида юксак маънавий фазилатлар муҳим аҳамиятга эга, деб билади. Бунга, авваламбор, меҳр-мурувват, катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, саҳийлик, дўстона муносабат, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик каби тушунчалар кириди. Сўралганларнинг кўпчилиги инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, Ватанга муҳаббат, суверенитет, ватанпарварлик, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик каби демократик ҳамда сиёсий қадриятларни умуминсоний тушунчалар билан уйғун ҳолда кўради. Бундан ташқари, сўралганлар шахс камолотида маданият, санъат ва диний қадриятлар, шунингдек, саломатлик, муҳаббат каби ҳаётий қадриятлар катта аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.

Сўровда иштирок этганларнинг аксариятининг фикрича (86,7 фоиз), қадриятлар тизими асосини авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий анъана ва урф-одатлар ташкил қилади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўров натижасида Ўзбекистон аҳолиси умуминсоний ва миллий қадриятлар шахсининг маънавий фазилатлари билан чамбарчас боғлиқдир, деган фикрда экани аниқланди. Тадқиқот натижалари меҳмондўстлик ва дўстона муносабат, меҳр-мурувват ва инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва камтарлик, катталарни ҳурмат қилиш каби қурбодушларимизга хос бешта устувор маънавий хислатни аниқлаш имконини берди.

Ҳозирги янги демократик жамият ва бозор иқтисодийнати барпо этиш шароитида одамлар, айниқса аҳолининг фаол қисmini ташкил этганидан ўшларнинг маънавий дунёқарашини ҳам ўзгаришлар рўй бермоқда. Масалан, ёшлар билим олишга интилиш, меҳнат қилиш истаги, тадбиркорлик каби шахсий хислатларга катта эътибор бермоқда. Уларнинг бундай эзгу мақсадлари жамиятда муносиб ўрин эгаллаш, ўзини керакли деб ҳисоблаш ва мамлакат ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш каби олижаноб интилишларда намоён бўлмоқда.

Сўров мамлакатимиз аҳолиси онгу тафаккурида миллий қадриятлар ва инсонпарварликдек олий мақсадлар мустаҳкам қарор топганини кўрсатди. Фуқароларимиз учун, яшаш жойи, жинси, ёши, миллати, маълумоти ва моддий аҳолидан қатъи назар, ўз оиласи, фарзандлари, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик, саломатлик, фаровонлик, меҳнат ва таълим уларнинг ҳаётий позициясини белгилловчи устувор қадриятлар ҳисобланади.

Кейинги бир неча йилда ўтказилган сўровларнинг қийси натижалари Ўзбекистон фуқароларининг аниқ бир мақсадга интилувчанлик даражаси нафақат юқори эканлигини, балки янада юксалиб бораётганидан далолат беради. Масалан, 2005 йилда сўралганларнинг 91 фоизи ҳаётда ўз олдига қўйган аниқ мақсади борлигини қайд этган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 92,2 фоизни ташкил қилди. Улар оила қуриш ва муносиб ёш авлодни тарбиялашни, ижтимоий ва фуқаролик фаоллигини, келажакни белгилловчи ва унга ишонч бағишловчи омилар — таълим олиш, меҳнат қилиш ва моддий фаровонликни ўзларининг асосий ҳаётий мақсадларидан бири, деб билади.

“Ўз мақсадларини қўйиш учун зарур шарт-шароит, маблаг ва имкониятларга эга эмасми?” деган саволга сўралганларнинг аксарияти (71,3 фоизи) қониқарили жавоб берган. Сўров иштирокчилари ушбу омилни аниқлашда аввалги йиллардаги каби “мамлакат ва оиладаги тинчлик ҳамда барқарорлик”ни, кейин “яши иш, ўз иши ва маълумотга эга бўлиш”, “қариндошлари ва яқинларининг саломатлиги”, “моддий фаровонлик”ни биринчи ўринга қўйган.


Фуқароларнинг 69,6 фоизи ҳаётда албатта, ўз мақсадига эришишига ишонади. Бу эса Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий кайфиятида келажакка бўлган ишонч юқорилигидан далолат беради. Сўров катнашчиларининг фикрига кўра, бундай ишонч истиқлол йилларида мамлакатимизда инсоннинг ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши, ўз манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаши учун шарт-шароитлар мунтазам яхшиланиб бораётгани билан боғлиқдир. Халқ фаровонлигини оширишга қаратилган стратегик ислохотларни мамлакат аҳолисининг кўпчилиги қўллаб-қувватлайди.

Тобора ривожланиб бораётган жамиятимизда меҳнатнинг маънавий-ахлоқий аҳамияти ортиб бормоқда. Аҳолининг асосий қисми меҳнатни нафақат пул ишлаб топиш йўли, балки асосий ҳаётий қадриятлардан бири сифатида қабул қилади. Бунда меҳнат қилиш (жамият ва одамларга фойда келтириш) ҳамда унинг мазмун-моҳияти катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигига эътибор қартилмоқда. Фуқароларнинг фикрича, ҳаётда муваффақиятга эришиш учун аввало, катта меҳнат, меҳнат қилиш иштиғи (бошқа мутахассисликка эга бўлиш қобилияти) ва зарур маълумотга эга бўлиш даркор.

Фуқароларимизнинг аксарияти Президент Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ҳамда уларни рўёбга чиқаришда иштирок этишга тайёр. Жамиятда ватанпарварлик, давлат ишларига дахлдорлик туйғуси тобора юксалиб бормоқда. Одамларда ўз мамлакат ва унинг муаммоларини ҳал этишда шахсий масъулият ҳисси, Ўзбекистон халқининг муносиб ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиш зарурлигини тушуниш даражаси ортиб бормоқда.

**«Ижтимоий фикр»
жамоатчилик фикрини ўрганиш
маркази МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА
ЎЗА МУҲБИРИ А.ИВАНОВА ТAYБЕРЛАДИ**

**БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ
МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ
ҚАТОРИДА ЁШЛАР
МАЪНАВИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШ, УЛАРНИНГ
ҚАЛБИДА ОНА ВАТАНГА
МЕҲР-МУҲАББАТ, ЧИН
ВАТАНПАРВАРЛИК,
ИНСОНИЙЛИК
ТУЙҒУЛАРИНИ СИНГДИРИШ,
УМУММИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, МИЛЛИЙ
АНЪАНАЛАРИМИЗНИ
ЭЪЗОЗЛАШ ВА ҚАДРЛАШНИ
ЎРГАТИШДАН ИБОРАТДИР.**




ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Мирзо Улуғбек туман «Маънавият ва маърифат» Кенгаши ҳамда Маънавият тарғибот бўлими аъзолари томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳаётга изчил таътил этилмоқда. Жумладан, туманда истеъдодли ёшлар билан «Биз Ватан деганда нимани тушунамиз?», «Ватанга эътибор қардан бошланади?», «Ватан соғинчи қачон акс этади?» каби ўнлаб саволлар асосида турли ҳарбий қисмларда, мактабларда бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирлар яхши самаралар берди. Шунингдек, «Камолот» ЕИХ билан ҳамкорликда болалар билан ўтказилаётган турли тарбиявий тадбирлар ҳам шулар жумласидандир. Айниқса, эзги таътил кунларида ёшларнинг бундай таътил кунларида ўтказишлари учун болалар оромгоҳларида мунтазам ўтказиб келинаётган маънавий-маданий тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Болаларнинг бундай тадбирларда катта кизиқиш билан фаол иштирок этмоқдалар. Концерт дастурларида қўшиқларга жўр бўлиб, биргаллик рақс тушиб, қўвона-йирашмоқда.

ри ҳамда — «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий, сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар, олиб борилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳиятини содда тилда болажонлар онига сингдириш мақсадида болалар оромгоҳларида таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар иштирокида кизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек тумани тасарруфидаги «Ўзабел» қўшма корхонаси очик акциядорлик жамиятига қарашли «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Ватан остонадан бошланади» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Мирзо Улуғбек туман «Маънавият-маърифат» Кенгаши, маънавият тарғибот бўлими томонидан ташкил этилган мазкур тадбир Ёшлар йили ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланди.



—Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад,—дейди Маънавият тарғибот марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими раҳбари Халима Жуманиёзова.— Ёшларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, она заминга ҳурмат, истиқлолга садоқат ва мустақиллик неъмат-



ларини эъзозлаш туйғуларини шакллантириш, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ёшларнинг бундай таътил кунларида мазкур тадбир Ёшлар йили ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланди.

Ёшлар — келажагимиз «КАМОЛОТ»ЧИЛАР ТАШАББУСИ

**БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИНГ ОРЗУ-ЎЙЛАРИ, МАҚСАДЛАРИ ЎЗГАЧА.
МАМЛАКАТИМИЗДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА
ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР УЛАРНИНГ ҲАР
ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ, БАҚУВВАТ, БИЛИМЛИ, ЧИН ВАТАНПАРВАР ВА
КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА. ТУМАНДА ШИЖОАТЛИ, ҲАЙРАТЛИ ВА ҚАЛБИ ОЛОВ
ЁШЛАР КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. УЛАР ОРАСИДА ТУРЛИ СОҲАЛАРДА
ЎЗ ИСТЕЪДОДЛАРИ, БИЛИМЛАРИ ВА МАҲОРАТЛАРИ БИЛАН КАТТА
ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАЁТГАН ЁШЛАР ҲАМ ТАЛАЙГИНА.**

Ёшларни ўзида бирлаштириб, уларга қанот бўлаётган «Камолот» ЕИХ Мирзо Улуғбек тумани бўлими Кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор бўлмоқда. Маълумки, «Камолот» ЕИХ бир неча йилдан буюн «Езги» «Камолот» билан» лойиҳасини ўтказиб келмоқда. Утган вақт оралиғида эзги таътилни маҳалларда ўтказиб келинган минглаб пойтахтлик ёшлар ушбу лойиҳа тадбирларида иштирок этишди. Лойиҳада турли маданий-маърифий тадбирларни уюштиришдан ташқари кўча спорт уйинла-

ри, компьютер саводхонлиги, инглиз тили дарслари ва бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Бу эса таътил вақтидан унмунли фойдаланаётган ёшлар учун ҳам билим, ҳам касб ўрганиш имкониятини беради. Утган йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, лойиҳалар орасида айнан касб-хунарга йўналтирилган гуруҳларга ёшлар берадир эмаслар. Кизлар учун мўлжалланган тикиш-бикиш, пазандачилик курслари, компьютер саводхонлиги ва тил ўрганиш курсларида минглаб ёшлар билим олиб, хунарга ўрганиш-

Мазкур лойиҳа нафақат минглаб мактаб ўқувчилари, балки олий таълим муассасалари талабалари учун ҳам фойдалидир. Улар «Ишлаб топ» акциясида иштирок этиш билан бирга, ташкил этилган турли курсларда ўқувчиларга сабоқ беришда ва ўзларининг маҳоратларини ошириб боришади. «Камолот»чилар «Ёзги кунда энг улуғ байрамимиз Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини «Ўзларни» ЕИХ аъзолари ҳам уларнинг эзгу мақсадлар йўлида олиб бораётган ютуқлари билан муносиб қутуб олиш иштиғидалар.

«Камолот»чилар «Ёзги кунда энг улуғ байрамимиз Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини «Ўзларни» ЕИХ аъзолари ҳам уларнинг эзгу мақсадлар йўлида олиб бораётган ютуқлари билан муносиб қутуб олиш иштиғидалар.

Зеро ёшлар бугунимиз ва эртаимизнинг порлоқ истиқболдирлар. Айни кунда энг улуғ байрамимиз Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини «Ўзларни» ЕИХ аъзолари ҳам уларнинг эзгу мақсадлар йўлида олиб бораётган ютуқлари билан муносиб қутуб олиш иштиғидалар.

**МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР
ЖАРАЁНИДА КЎПЛАБ ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ
МАКТАБ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, КОЛЛЕЖЛАРНИНГ
БЎЙДА ЭТИЛАЁТГАНЛИГИ, ЭСКИЛАРИ ЭСА
ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНГАН, ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР
ЖИҲОЗЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАЁТГАНЛИГИ
НИҲОЯТДА ҚУВОНАРЛИДИР.**

Умуммиллий дастур — амалда ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ юртимизда умумтаълим ва ўрта махсус таълим муассасаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари таълим сифати ва самарадорлигини оширишда сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. «Таълимга эътибор—келажакка эътибор» шiori бугунги кунда ўз ифодасини топмоқда. Айни кунларда Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги ҳамда янги ўқув йили олдидан Мирзо Улуғбек туманида бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, тумандаги Корасув-6 даҳасида жойлашган Тошкент Давлат техника университети қошидаги 3-сонли академик лицей биносидан кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари авж олган. Қайта таъмирланаётган мазкур ўқув маскани илгари Мирзо Улуғбек машинасозлик коллежи бўлган. Утган йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига кўра 12 йиллик таълимга ўтиш муносабати билан Тошкент Давлат техника университетининг 3-сонли академик лицейи ташкил топди ва ушбу бинода ўз фаолиятини бошлади.

—Академик лицей 900 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, ўтган йили 4 та гуруҳга жами 101 та ўқувчи қабул қилинган,—дейди мазкур лицей директори Муаттар Азларова.— Бу йил режага биноан 270 ўқувчи қабул қилиш мўлжалланган. Шунинг таъкидлаш керакки, лицей Тошкент шаҳридаги барча олий ўқув юртиларига ўқишга кирувчилар учун ихтисослаштирилган. Бу ерда аниқ фанлар, гуманитар, табиий фанлар ҳамда хорижий филология йўналишида ўқувчиларга чуқур таълим берилади. Академик лицей ўқувчиларини олий ўқув юртиларига ўқишга тайёрлаш билан бир қаторда лицейни тамомлаганларидан сўнг уларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва чуқур ўзлаштирилган фанлар бўйича диплом берилади.Таълим масканида ўқувчиларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тил ўрганишга мўлжалланган 4 та лингафон хонаси, 2 та физика хонаси, биология, химия, 2 та компьютер хоналари мавжуд бўлиб, буларнинг ҳаммаси Корея давлатининг ўқув хизматлари билан таъминланган. Шунингдек, лицейда 900 ўқувчига мўлжалланган спорт зали, алоҳида тренажёр зали, кичик спорт зали янги спорт хизматлари билан таъминланган бўлиб баскетбол, волейбол ва футбол майдончалари ҳам мавжуд.

Иккита корпус, тўрт қаватдан иборат бўлган лицей биносидан айни кунда пардозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги ва янги ўқув йилига ўқувчиларга муносиб туҳфа ҳозирлаётган бунёдкорлик биноси 1 августда фойдаланишга топширишга аҳд қилганлар. Замонавий кўринишга ҳамда янги ўқув хизматлари эга ёруғ ва шинама бино янги ўқув йилига ўқувчилар учун муносиб совға бўлади, албатта.

**Саҳифани Дилором ИКРОМОВА тайёрлади.
Ҳаким Солихов ва Алексей Попов олган суратлар.**

Шифо масканларида БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

**ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ, АЙНИҚСА ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУҲИМ УСТУВОР
ВАЗИФАЛАРИДАН САНАЛАДИ. ХУСУСАН, БУГУНГИ КУНДА МИРЗО
УЛУҒБЕК ТУМАН ҲУДУДИЙ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ТОМОНИДАН
«ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ИШЛАР ОЛИБ
БОРИЛМОҚДА.**

Жумладан, йил бошидан буюн тумандаги 7, 8, 5, 6-оилавий поликлиникалар, шунингдек, шаҳар марказий шифохонаси, 5-болалар шифохонаси, 3-тери-таносил диспансериди таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, улар замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Айниқса, туманда жойлашган шаҳар 2-сон болалар жарроҳлик клиник шифохонасида кейинги вақтларда кенг кўламдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий қиёфага кирганлиги қувонарли бўлди. Айтиш жоизки, мазкур шифохона 1959 йилда ташкил топган бўлиб, нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёда болалар жарроҳлигига асос солинган шифо маскани ҳисобланади. Бу ерда бир йилда ўртача 5800-6000 нафар болаларга стационар даво, 10000 та бе-

ган, ҳамроҳ касалликлар билан, Меҳрибонлик йилларидан бемор болалар келиб даволанадилар. Шуниси қувонарлики, мустақиллик йилларида қатор жамоат ташкилотлари, болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасаларига бегараз ҳомийлик ёрдами кўрсатиш яхши анъанага айланди. Яқинда шифохонамизда «Меҳр нури» жамғармаси томонидан йирингли жарроҳлик бўлимида капитал таъмирлаш ишларининг амалга оширилганлиги бунинг эркин намунасидир. Ниҳоятда ўзгача замонавий қиёфага эга бўлган ушбу бўлимда тиббийёт ходимлари ва беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилганки, бундан ниҳоятда хурсандимиз. Бунинг учун ҳомийларимизга чуқур миннатдорчилик билдираимиз.

Дарҳақиқат, тиббий анжомлар билан жиҳозланган мазкур бўлимда операция хонаси, боғлов хона, муолажа хонаси, палаталар, ходимлар хоналари, ёрдамчи хоналар, санитар талабларига тўлиқ жавоб беради. Албатта, «Меҳр нури» жамғармаси томонидан амалга оширилган бегараз савоб ишлар беморларни даволаш сифатини оширишда, даво мuddатларининг қисқаришида, асоратларнинг олдини олишида ўз самарасини беради.

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИД ДОМО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ГУЛХАНИЙ ҲИКМАТЛАР

Беҳуда зўр уриш бел синдиради.

Одами кўп хилаю тадбир этар, Лек ишин охири тақдир этар.

Қизни ким суймас, қимизни ким ичмас.

Карнайчидан нима кетар? Бир пуф.

Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қоғиб сўзлар.

Куйкунак ўз ерида гоз олур ҳам ўрдак.

Ўзингни эр билсанг, бировни шер бил.

Сигир сув ичгунча, бузоқ муз ялар.

Танимасни сийламас.

Подшоҳи одилга уч тоифадин ҳузир ва чора йўқдур. Аввал, олими боамалки, подшоҳнинг охиратлик асбоби анга кўрғазса. Иккинчи, вазири соҳибрайки, подшоҳнинг дунёлик яроғини тараддудиди бўлса. Учинчи, муншийи рост нависи, қаламзани нигоҳдор ва шаммирзан.

Яхши билан юрдинг — етдинг муродга, ёмон билан юрдинг — қолдинг уётга.

Ёмонга ёндошсангиз, балоси юкар, қозонга ёндашсангиз, қароси юкар.

Оз ошим, гавғосиз бошим.

Ош эгаси билан тотлиғ.

Таом емакда сўзлаб емак яхшидур, ҳайвондек хомуш таом емак, озода мардум шевасидан эрмас.

Аввал тозим, сўнгра калом.

Айрон тилаб келсанг, челакнинг яшурма.

Сукут — аломати ризо.

Ўлтурган қиз, ўрун топар.

Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор.

Кечки экиннинг хатари бор.

Эртаги ишни кечга қўйгудек эмасдур.


Тадбирнинг ёнги билан тақдирни яшуруб бўлмас эркан.

Ёлғуз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса донги чиқмас.

Кўпга кенгаш, ўз билганингни қил.

Хайр ишига ҳеч истихора ҳожат эмас.

Тошкент Банк коллежи жамоаси «Умумиқтисод фанлар» кафедраси ўқитувчиси Мамлакат Абдураимовага онаси Бувинисо ая ТОЖИБОВАнинг вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Туманларда

МАҲАЛЛАДА БОЛАЛАР СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА, ШУНИНГДЕК, ПОЙТАХТНИНГ 2200 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАБ ҲАР БИР ТУРАР ЖОЙ ДАҲАСИДА МАРКАЗИЙ БОЛАЛАР СПОРТ МАЙДОНЧАЛАРИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА.

Туманлар микёсида оладиган бўлсак, фақат Юнусобод туманининг ўзида мавжуд 42 та мактабнинг ҳар иккитасининг битасидан — 21 та шундай майдонлар барпо этилиб, болажонлар ихтиёрига топширилди.

Куни кеча тумандаги 17-мавзеда жойлашган «Дўстлик» маҳалласида ҳам болалар спорт майдончаси очилди. Эндиликда

яқин атрофдаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи, шунингдек, 122 ва 288-мактаблар ўқувчиларининг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган.

Спорт майдончасининг очилиши ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Албатта, болажонлар унинг асосий иштирокчилари бўлишиди. Шунингдек, болалар спорт май-

дончасининг бунёд этилишида қатнашганлар — «Дўстлик» маҳалласи фаоллари, 122-мактаб раҳбарияти, туман халқ таълими бўлими, «Дўстлик» татар-бошқирд маданият маркази, «Сайқал коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакиллари, яқин атрофда истиқомат қилувчи аҳоли жам бўлишиди. Зеро, уларнинг барчаси майдончининг қад ростлашида ўз ҳиссаларини

жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобидан китъа чемпиониликни қўлга киритди.

Энди спортчиларимиз Францияда уюштирилаётган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Юнон-рум кураши

ДИЛШОД — БРОНЗА МЕДАЛИ СОҲИБИ

ОЗАРБӨЙЖОН ПОЙТАХТИ БОКУ ШАҲРИДА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА ГРАН-ПРИ ТУРНИРИ УЮШТИРИЛДИ.

Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган ҳамюртимиз Дилшод Орипов ўз вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаб турнирнинг бронза медали билан тақдирланди.

Ёзги биатлон

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

ҚИРГИЗИСТОННИНГ ЧЎЛПОН ОТА ШАҲРИДА ЁЗГИ БИАТЛОН БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ЗАФАР КЎЧИШДИ.

Китъамизнинг энг иқтидорли спортчилари голиблик учун кураш олиб борган ушбу китъа чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Мурод Ҳожибоев ёзги биатлоннинг икки тури бўйича кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган бўлса, Анна Тимофеева ва Анна Древалар ёшлар баҳсида маҳорат кўрсатиб кумуш медаллар билан тақдирланди.

Кувонарлиси, мусобақалар якунига кўра энг кўп очко

Ҳукм ўқилди

ҚИЛМИШИГА ЯРАША ЖАЗО

ИНСОННИНГ НОМАИ АЪМОЛИДАГИ БИТИКНИ ЎҚИШ ҲАЛИ ҲЕЧ КИМГА НАСИБ БЎЛМАГАН. АММО ШУ ҲАҚИҚАТ АЁНКИ, УМР ЎЙЛАРИДАГИ ЎПҚОНУ ГИРДОБЛАРГА ЧАП БЕРИБ, ФАҚАТ ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ТАНЛАЙ ОЛИШ КИШИНING ЎЗИГА БОҒЛИҚ. ЗОТАН, БАРЧА НАРСАЛАРНИ ҲАМ ТАҚДИРГА ЙЎВЕРИШ КОМИЛЛИК БЕЛГИСИ САНАЛМАЙДИ.

Шу маънода уч маротаба жиноий ҳаракатлар содир этиб, панжара ортига тушган, озолик шамоли бағрига теккан эса яна бот-бот жиноят кўчасига қираверган Комил Шерматовнинг (исми-шарифи ўзгаририлди) «ёзуғида шу кунлар бор эди», дейилса, ҳақиқат мезонларини четлаб ўтган бўлаемиз.

Майли, асосли мулоҳазаларни орта қолдириб, «қарамон»имизнинг қилмишлари, ҳайратдан ёқа ушлайдиган тубанликлари ҳақида қалам сурсак. 2007 йил 26 май куни эски танишларини — Б.Аскаров ва В.Богдановлар билан бирга «Чорсу» базорида сиртли ичимлик истеъмол қилган Комил Шерматов зимдан жиноий режа тузди. Унга кўра, Б.Аскаров билан ўзаро тил бириктириб, В.Богданов қўлидаги мис симларни олиб қўйиш кўзда тутилган. Негаки, қийматига биноан рангли металл ҳисобланган сим бўлақларини хўфёна пулшаш мўмайгина даромад келтириши мумкин эди. К.Шерматов ва Б.Аскаров айна шу мақсадда шишадощини турли алдов йўллари билан Фурқат кўчасидаги «Ўқувчилар саройи» яқинида жойлашган қурилиши тугалланмаган ер ости туннелига олиб боришди.

Владик, ҳеч қанақа қаршилиқни ҳаёлинг-

га келтирма, мис симни буюққа бер, — деди Комил таҳдидона оҳангда.

Бозордаги ичкилик В.Богдановни тамомила сархушлантириб қўйганди. Аммо К.Шерматовнинг зардали гапларини кўтаришни ҳам истамас, илло, мис симлар ихтиёридан кетадиган бўлса, эрталабки «бош оғриғи»ни тузатишдан умид узмиш баайин ҳақиқат эди.

Симларни сента бериб бўлман... — дейди оёқлари бир-бирига чалкашгудек бўлиб, — Қўлларингдан келса, симни оласизлар.

Машҳур «Робинзон Крузо» муаллифи Даниэл Дефо «Хавф-хатар тўғрисида ўйламоқ, хатарнинг ўзидан кўра қўрқинчлироқдир», деб ёзди. Шу маънода ўладиган ҳўкиз болтадан тоймас ақидасига амал қилган В.Богданов К.Шерматов ва Б.Аскаровларга қарши тиш-тирноғи билан қаршилик мураббаси. Аммо кўчалар тенг эмасди. Комил кўра-атаст шишадощини бир зарб билан ерга қулатади. Сўнгра унинг ҳар бир гапини илҳалик билан қутиб турган шеригига юзланади.

- Билло?
- Лаббай!
- Боя ташқарида темир қувур кўргандим, ўшани олиб кел... Бунини шу ерда даф қилма-

сак, кейин бошимизга бало орттириб юради.

- Ҳўп бўлади...

«Ҳўжа»сига содик Б.Аскаров темир бўлагини кўзларида газаб чўғи алангаланиб турган К.Шерматовнинг қўлига тутқазади. В.Богдановни жисман маҳф қилишга киришиб кетган бўлгуси қотил унинг дўч келган жойига амайи ура бошлайди. Берилётган зарба ўта ваҳшиёна тарзда амалга ошириляётгани бовис, В.Богданов воқеа жойининг ўзидаёқ ҳаётдан кўз юмади. Қотиллар унинг ҳаёт шабини ўчириш билан чекланиб қолмайдилар, энди улар танаши совий бошлаган шишадощининг чап қўлини танасидан узиб оладилар... Б.Аскаров маслаҳатига қўлоқ тутган, мудҳиш қотилликнинг асосий раҳнамоси — К.Шерматов жасаднинг чўнтагидаги 12.000 сўм пулни ҳам олади.

Галдаги вазифа В.Богданов мурдасини тезроқ кўздан йўқотиш эди. Қотиллар хўфия жой излаб овора ҳам бўлишмади. Жасадни туннел ичиндаги чўқурчага тушириб, устидан турли хил чиқинди, шох-шаббалар билан ёпиб, воқеа жойидан яширинишга улгуришди.

2007 йил 5 июнь куни кеч соат 16.00ларда Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчасида жойлашган ер ости ўтиш йўлидан ўтаётган йўловчилар қаердандир кўланса бўй таралаётганини пайқаб қолишда ва яқин орадаги милиция бошқармасига мурожаат қилишди. Кейинчалик, бу ердан топилган мурданинг ёши тахминан 50-55 ёшлар атрофидаги, рус миллатига мансуб В.Богдановга тегишли эканлиги аниқланган. Суд-тиббийет экспертизасининг 2007 йил 6 июнь кунги 282-сонли хулосасида В.Богданов ўлимига: «бош-кўкрак қафаси тўмтоқ жисм жароҳатлари, бош мия очик жароҳатлари, калла суякларининг бўлақланиб синиши, кўкрак

қўшиши — мактаб қурилиш материалларидан ёрдам берган бўлса, «Тошиссиқликкувати» туман бўлими ишчиларни ажратди, маҳалла бўёқлар билан таъминлади. Ҳатто болаларнинг ўзлари ҳам майдончани ободонлаштиришга ўз улушларини қўшишди.

Болалар спорт майдончасининг очилиш маросимида «Дўстлик» татар-бошқирд маданият маркази чиройли концерт дастурини намойиш этди. Айниқса, «Идил» рақс жамоасининг шўхшодон чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: «Дўстлик» маҳалласида очилган болалар майдончаси Максим Черногаев олган суратлар

Футбол

ГАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ГОЛ

АЙНИ КУНЛАРДА МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИМИЗНИНГ БИРИНЧИ ДАВРАСИ ЯКУНЛАНГАН БЎЛСА-ДА, ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ўзбекистон Кубогининг чорак финали тақририй учрашуви Тошкентдаги «МХСК» стадионида «Курувчи» ва Самарқанднинг «Динамо» жамоалари ўртасида ўтказилди. Самарқандда уюштирилган дастлабки баҳсда мезбонларни 1:0 ҳисобида мағлуб этган Миржалол Қосимов шогирдлари бу сафар ҳам ҳўжумкор, сермазун ўйин намойиш этишди.

Биринчи бўлимининг 17-дақиқасида Азиз Ҳайдаров томонидан меҳмонлар дарвозасига киритилган ягона гол тошкентликларни ярим финалга олиб чиқди.

Энди Ўзбекистон Кубогининг ярим финалида азалий рақиблар — «Пахтакор» — «Нефтчи» ҳамда «Курувчи» — «ОТН» ўзаро куч синашадилар.

(Ўз муҳбиримиз)

қафасидаги қўллаб қовургаларнинг ёпиқ синиши» ва бошқа аломатлар сабаб бўлганлиги қайд этилган.

Биз ушбу мўъжаз суд очеркида К.Шерматов томонидан содир этилган қотилликнинг фақатгина бир ҳолати ҳўсуида тўхталиб ўтдик, ҳоло. Бинобарин, ўндан ортиқ (!) бегуноҳ одамнинг ўлимига сабабчи бўлган қотилнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми «а» банди билан ўта хавфли рецидивист деб топилганининг ўзиёқ бу тубан шахснинг иқтимоий-маиший ҳаёт учун қанчалик хатарли эканлигини кўрсатиб турибди.

Одил судлов ушбу туркум қотилликларни содир этиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддасига кўра айбдор деб топилган К.Шерматовни тайинланган жазонинг дастлабки 5 йиллини турмага қамаш, 15 йиллик жазо муддатини махсус тартибли колонияда ўташга ҳўкм қилди.

...Башарият қониди ёвузликка мойиллик, ваҳшилик қақондан пайдо бўлган? Унинг ибтидоси қаердан бошланиб, қаерда интиҳо топади? Балки унинг изми-ихтиёрини аллақандай самовий қудрат бошқарар?! Халқроқ Нобель мукофоти совриндори Эрнест Хемингуэй бу ҳақда шундай баҳо берган эди: «Тириклик илдизига болта урадиган ҳар қандай ҳароқат, у қандай мақсадни қўзғамасин икки томоннинг ҳам залолатга юз тутиши билан яқун топади».

Ҳар галгидек хулоса ва бахталаб мулоҳазаларни ўзингизга ҳавола қилишни жоиз деб биламиз.

Саодат МИРСАГАТОВА, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси, Хидирали ПАНЖИЕВ, журналист

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде 2008 йил 26 август куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

I. Аукцион савдосига, Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2007 йил 11 декабрдаги 1-802/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «VENUS FOOD» МЧЖнинг мол-мулклари қўйилмоқда: «VENUS FOOD» МЧЖнинг бошланғич баҳоси — 225 200 000 сўм бўлган қуйидаги мол-мулкларни жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда: 1. Майдони 42,23 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 17-дахасида жойлашган, 7-уйдаги, 22-хонадон (квартира), Бошланғич баҳоси — 30 200 000 сўм. 2. Майдони 73,78 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри Ҳамза тумани, Галаба-нинг 40 йиллиги 2-дахасида жойлашган, 15 «Б»-уйдаги, 74-хонадон (квартира), Бошланғич баҳоси — 44 000 000 сўм. 3. Майдони 88,72 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани, Пушқин-Пилшек кўчасида жойлашган, 4-уйдаги, 15-хонадон (квартира), Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм. 4. Майдони 68,72 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани, Пушқин-Пилшек кўчасида жойлашган, 4-уйдаги, 35-хонадон (квартира), Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм.

III. «VENUS FOOD» МЧЖнинг бошланғич баҳоси — 1 985 815 692 сўм бўлган қуйидаги мол-мулкларни жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда: 1. Умумий майдони 15151 кв.м., қурилиш ер майдони 7450 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 17-дахаси, Ўсковольтный кўчаси 7 «а»-уйда жойлашган, «Қандолат чеки бино ва иншоотлари», Бошланғич баҳоси — 553 769 566 сўм. 2. Қийдалат ишлаб чиқариш линияси ва унга тегишли бўлган ускуналар ва офис дизайн ашёлари, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 17-дахаси, Ўсковольтный кўчаси 7 «а»-уйда жойлашган, Бошланғич баҳоси — 931 898 670 сўм. 3. Умумий майдони 4893 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри Ҳамза тумани, Охангарон шох кўчаси 37-уйда жойлашган, «Бино ва иншоотлар», Бошланғич баҳоси — 500 147 456 сўм.

IV. «VENUS FOOD» МЧЖнинг Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 17-дахаси, Ўсковольтный кўчаси 7 «а»-уйда сақланётган, «Дў Ласетти» русумли, д/р М5170 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 20 707 450 сўм.

V. Аукцион савдосига, Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2006 йил 10 майдаги 10-0604/517-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «ТОМ3ЭМ» МЧЖнинг Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси, 30-тўтиқ, 8-уйда жойлашган, бошланғич ба-

ҳоси — 1 821 189 000 сўм (1 444 340 АҚШ доллари) бўлган қуйидаги мол-мулкларни жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда: 1. Умумий майдони 1687 кв.м. бўлган, 2 қаватдан иборат, кўчмас мулк, Бошланғич баҳоси — 619 964 000 сўм. (491 680 АҚШ доллари). 2. Вафли махсулоти ва шоколад глазури ишлаб чиқариш ускунаси, Бошланғич баҳоси — 1 201 225 000 сўм. (952 660 АҚШ доллари).

VI. Аукцион савдосига, Тошкент шаҳар М.Улугбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели тумани судининг 20.08.2008 йилдаги №1-748/02-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, А.Темур кўчасидаги Дўз Автосервис 2-боксидида сақланётган, «Опель-Омега-А» русумли, д/р 1000525 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 18 770 000 сўм.

Мазкур мол-мулклар ва автотранспорт воситалари билан суд департаментининг вақили иштирокда бевосита жойига чиқиб таъиниш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан арзаларини қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳўжатиди ижро ҳўжжати рақими ва санасини қўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекбанк» С.Раҳимов ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тулашлари шарт: М.Ф.О.00901, ИНН: 200933850, х/р: 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразабоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки маюссасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлимида амалга оширилади.

Фақат умумий саёй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3189 нусxada босилади. Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилиш мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақланилди. «Шарқ» нашрийт-матбоа акциядорлик компанияси босмаюнаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г - 606